




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ
2- босқич “ В ” гуруҳ талабаси
Ғофурова Озода**

реферат



Мавзу: “Мактабда XI-XV асрларда Ғарбий Европа маданияти”

Илмий раҳбар:

катта ўқитувчи Д. Мусоев

А Н Д И Ж О Н - 2013

РЕЖА

КИРИШ

**1. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ҚОИДАЛАРИ**

**2 СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ҚОИДАЛАРИ**

**3 АМАЛИЙ/ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ**

ХУЛОСА

КИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодий тизимни ислоҳ этиш шароитида олий таълим тизими соҳасини тезкор ўзгартириш жараёни: «дастурни ўтиш» ва фан соҳаси билимлари йиғиндисини ўзлаштиришдан ҳозирги жамиятни тараққий эттириш босқичида талаб этилувчи таҳсил олувчиларнинг маълум шахсий хусусиятларини шакллантириш, «натижа»га қаратилган тизимга ўтиш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бир «бўғинли» асосдаги тизим иккинчи «лаёқатлилик» асосига қўйилмоқда. Касбий ҳамжамиятлар доирасига мослашиш ва самарали фаолият юритиш учун зарур универсал – таянч лаёқатлилик ҳамда мутахассислик бўйича ишларни бажариш учун зарурий билим, уқув ва кўникмаларни ўзлаштириш замонавий касбий тайёргарликнинг натижаси бўлиши лозим.

Шу муносабат билан замонавий касбий тайёргарлик натижаси нафақат касбий лаёқатлилик – мутахассиснинг бирор-бир касб соҳасидаги билими, ўқув ва кўникмаларини ўзлаштириш даражасини акс эттирувчи интеграл тавсиф: «ишни билган ҳолда» фаолият юритиш қобилияти, балки касбий лаёқат – субъектнинг аввал олинган тажрибаси асосида муайян вазиятда зарур билим, ўқув ва кўникмаларни сафарбар қилишга тайёрликда ифодаланувчи таълим маҳсули – «билим – ўқув» орасидаги боғлиқликни ўрнатиш ва амалга ошириш, ўз билимини касбга йўналтира олиши лозим.

Юқори поғонадаги мутахассисларни тайёрлаш талабларини ўзгартириш нафақат касбий жамоалар доирасида, балки касбий соҳанинг ташқарисида ҳам мослашиш ва унумли фаолият юритиш учун керакли маданиятаро ва тармоқлараро кўникмаларни шакллантиришни таъминлайди. Улар замонавий дунёда «муваффақият воситаси» ҳисобланувчи: инсоннинг вазиятни тушуниши, муайян жамият шароитида шахсий ҳаёт ва касбий фаолиятда самарали натижаларга эришиш имконини берувчи универсал лаёқатлар мажмуидир. Таянч лаёқатларга таълим жараёнида эгалланган билимларни муваффақиятли қўллаш натижасида эришилади:

- Ижтимоий – жамоада бошқа кишиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатланиш қобилияти.
- Мулоқотли – тушунарли бўлиш мақсадида мулоқотга киришиш қобилияти.
- Ахборотли – ахборот технологияларини эгаллаш, ҳамма ахборот турлари билан ишлай олиш қобилияти.
- Лойиҳавий – лойиҳалашнинг умумлашган алгоритминини бажариш қобилияти: ғояни илгари суриш; муаммони кўрсатиш; мақсадни белгилаш ва уни ҳал этиш вазифаларини ифодалаш; вазифани ҳал этишнинг қулай усул ва воситаларини асосли танлаш; лойиҳавий топшириқни ишлаб чиқиш; ҳамкорликда ишлашни режалаштириш ва

лойиҳадаги мажбуриятларни тақсимлаш; натижаларни расмийлаштириш; уларнинг (маъруза кўринишидаги оғзаки, техник ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда кўргазмали) умумий тақдиротини ўтказиш; бажарилган иш тўғрисида ёзма ҳисобот тайёрлаш; ўз-ўзини баҳолаш ва рефлексияни амалга ошириш

Шу боисдан, таълимга лаёқатли ёндашув таълимнинг инновацион технологияларини лойиҳалаштириш ва татбиқ этиш маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига талабларни ишлаб чиқиш заруриятини туғдиради.

Таълим тизими бошқа барча хорижий мамлакатлар сингари фалсафа, психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги принциплар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналишнинг асосий фарқ қиладиган жиҳати шундаки, бунда таълим олувчининг ўзлиги, унинг шахси, мустақил танқидий фикрлаши, унинг хусусият ва имкониятларини эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув машғулотларининг таълим технологияларини ишлаб чиқиш қуйидаги концептуал асосларига таянади:

Шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим. Шахсий ёндашув қуйидагиларни англатади:

- таълим жараёнини тузишда ва амалга оширишда шахсга мақсад, субъект устунлиги, натижа ва унинг самарадорлигини асосий мезондек йўналтириш;
- таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг тўлақонли ривожланиши таъминлаш;
- таълим бериш жараёнини жузъийлаштириш ва табақалаштириш: касбий тайёргарлик йўналишлари бўйича Давлат Таълим стандартлари талабларига риоя қилган ҳолда таълим олувчи шахсини ривожланиш йўлига йўналтириш;
- таълим олувчиларни психологик-касбий ва шахсий хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олиш;
- таълим жараёни иштирокчилари фаолиятининг шахсий қизиқишларини таъминлаш.

Амалга ошириш шароитлари:

- Таълим олувчи шахсини ҳар томонлама эркин ва ижодий ривожланиши учун қулайлик, зиддиятсиз ва хавфсиз шароитларни таъминлаш, унинг табиий имкониятларини амалга ошириш.
- Таълим берувчининг таълим олувчи шахсини қабул қилиши: унинг мақсадлари, ҳаяжонлари, қизиқишлари, қарашлари, муносабатлари, унинг кучи ва имкониятларига ишониш.

- Таълим бериш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ушбу билим соҳасида ўқимишлилик даражаси ва шахс маданиятининг умумий ривожланиш даражаси: таълим олувчининг психологик-физиологик хусусияти; ҳар бир таълим олувчи учун таълим ўқув дастурларига нисбатан шахсий хусусият ва ўқитиш таъсири остида унинг ривожланиш ўзгарувчанлиги, унинг имкониятларига мос равишда мослашади; унга ўзининг билими, ўзини ривожланиши ва ўзини намоён этиши учун ёрдам кўрсатиш.
- Таълим олувчининг ривожланиш ва сўниш истиқболларини аниқлаш, ундан сўнг эса тўғрилаш учун унинг шахсий ривожланишини объектив назорат ва ташхис қилиш.

Таълимга фаолиятли ёндашув. Таълим олувчи шахсининг жараёنли сифатларини шакллантириш, унинг ҳаракатларини фаоллаштириш ва жадаллаштиришни, ўқув жараёнида унинг барча имконияти, тиришқоқлиги ва ғайратини кенгайтиришни юзага келтиради.

Фаолият - ўзлаштириш объекти

Амалга ошириш шароитлари:

- Таълим берувчи вазифасининг ўзгариши: нафақат билим бериш, балки таълим олувчиларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, таққослаш ва ҳаётий муҳим вазифаларини ҳал этишда қўллаш, ҳаёт йўли давомида билимларини тезкор янгилаш ва тўлдиришни ўргатишдан иборат. Бунинг учун эса, ўқитувчи барча тўғри ечимларнинг биринчи тоифадаги намоёнишчиси бўлмасдан, балки ўқув жараёнини ташкилотчиси, маслаҳатчиси ва назоратчиси бўлиши, шунингдек билимларни етказишнинг кам самарали бўлган оғзаки йўллари камайтиришга келтира олиши керак.
- Таълимнинг жуфтлик ва гуруҳли ташкил қилиш шакллари амалга ошириш орқали жараёнда диалог ва полилогда ўзгарувчан томонларда таълим олувчининг юқори фаоллигини таъминлаш; башоратлаш, режалаштириш ва ўқув-билиш фаолиятини ташкиллаштириш бўйича таълим олувчилар мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Таълимга суҳбатли ёндашув - таълим жараёнини таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги суҳбатдек тузишни ифодалайди ҳамда дастурий фаолиятни ҳамкорликда тузишга йўналтиради.

Шахсий ва фаолиятли ёндашув биргаликда инсонпарвар педагогиканинг методологияси моҳиятини ташкил этади. Уларни умумийликда қўллаш қуйидагиларни яратади: таълим жараёни иштирокчиларини-субъектларини психологик бирлиги ва ўзаро ҳаракати туфайли “объектли” таъсир этиш ижодий ўзаро ривожланишни таъминлайди ва ривожланиш жараёнига ўз ўрнини бўшатади; таълим жараёни иштирокчилари эркинлигини ошириш; шахснинг ўзини-ўзи фаоллаштириши ва ўзини-ўзи амалга ошириши.

Амалга ошириш шароитлари:

Таълим берувчи вазифасининг ўзгариши:

- таълим олувчилар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг ўрнатилиши;
- шунчаки ўқитиш эмас, таълим олувчиларни ривожланишга, ўзи ҳаракатланишига рағбатлантириш;
- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, муаммони мустақил режалаштириш қобилиятини ва уни ечиш йўллариини таклиф этиш, олинган натижаларни баҳолаш шакллантириш;
- вазиятли лойиҳалаш; фикр-изланишли суҳбат; ҳаётий муаммолар матнига ўқув топшириқларини киритиш; таълим олувчиларда мустақиллик, мустақил ўқиш, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўзини-ўзи амалга ошириш қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратиш.

Муаммоли таълим. Алоҳида фикрлашни, билимларни мустаҳкамлаш ва амалий фаолиятда ижодий қўллашни таъминлайди.

Таълим олувчиларнинг шахсий интилишлари, билиш қизиқишларини шакллантиради, фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради, таълим олувчиларнинг диалектик фикрлашини шакллантириш ва ривожлантиришига ёрдам беради.

Амалга ошириш шароитлари:

Таълим олувчилар олдида тартибли ва мақсадга йўналтирилган муаммоларни илгари суриш, уларни таълим берувчи раҳбарлиги остида ҳал этиб, янги билимларни фаол ўзлаштиришларини таъминлаш.

Йўналиш бўйича мустақил ижодий билиш фаолиятини таъминлаш: муаммоли вазият → муаммони шакллантириш → уни ҳал этиш йўли → муаммони ечиш → ечимни текшириш.

Ҳамкорликда таълим бериш. Ўқитувчи ва талаба ўртасида демократизм, тенг ҳуқуқлик, ўзаро ҳамкорлик тамойилларини амалга оширишни, ўқув топшириқни бажариш ва эришилган натижаларни баҳолаш жараёнларини гуруҳли ва жамоавий тарза амалга оширишни кўзда тутди.

Амалга ошириш шароитлари: Таълим берувчи вазифасининг ўзгариши:

- таълим олувчилар билан (оммавий эмас!) янги ўзаро ҳаракатга тайёргарлиги ва қодирлиги;
- шахсий тенглик ва ҳурмат, тўлақонли мулоқот ва ўзаро тушунишга ўтиш;
- таълим жараёни иштирокчилари ўзаро ҳаракатининг янги шакллари: таълим берувчи → гуруҳ → таълим олувчилар, таълим олувчилар → таълим олувчилар;
- ўзаро ҳаракатни тезлаштириш йўллари, яъни гуруҳли баҳс, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳамкорий фаолият.

«Муваффақиятни яратиш»га педагогик фаолиятни йўналтириш. Талабаларни муваффақиятга эришишига фаоллаштириш ва рағбатлантиришни намоён этади. Айнан талабалар томонидан ўз муваффақиятларини ҳис этишлари лойиҳавий ўқитишнинг ҳаракатлантирувчи кучидан бири ҳисобланади.

Амалга ошириш шартлари:

- Талабаларнинг ютуқларини ўқитувчи доимий тарзда таъкидлаб ўтиши ва «эълон қилиши».
- Асл ва фойдали ғояларни мукофотлаш (талабалар ўз ғояларининг баҳоланиши тушунишлари лозим).

Синергетик ёндашув. Унинг моҳияти шундан иборатки, оламга турли қирралардан қараш ва соғлом фикрни айтиш, турли таълим соҳаларидаги ғояларни янги маънода муваффақиятли талқин қилиш имконини беришдан иборат.

Амалга ошириш шартлари:

- Схема бўйича гуруҳларни муаммога юклаш таомилини ташкил этиш: муаммони ифодалаш → уни ҳал этиш бўйича фикр алмашиш → ҳамкорликдаги ҳаракатларни жамлаш → инсайт (ёритиш) – ҳал этиш ғояси, талабаларнинг хотирасида сақланувчи ахборот (билим) ларни муаммолар муҳитида ёдга солиш ва саралашга асосланган.

Лойиҳавий ёндашув. Лойиҳани ҳал этиш, уни амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича самарали ҳаракатлар вариантини англаш ва танлаш учун лойиҳавий топшириқ кўринишида иштирок этади.

Амалга ошириш шартлари:

- янги билим ва ҳаракатларга эга бўлиш давомида олинган натижа (маҳсулот) ларга йўналтирилган лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш;
- гуруҳ фаолиятини ташкил этишга мос равишда индивидуал мустақил ишлашга йўналтириш;
- ахборот технологияларини жорий этиш;
- таҳлилий тадқиқот технологияси – тадқиқот жараёнлари операциялари, таҳлилий таомиллар.

Таълимни ташкиллаштиришга тизимли ёндашув. Таълим технологияси тўғрисидаги тушунча педагогик тизимнинг аниқ бўлган бутун (тузилмавий ва мазмунли) таркибини билдиради.

Амалга ошириш шароитлари:

- Таълим технологияси тизимга хос барча аломатларга эга бўлиши керак: жараённинг мантиқи, барча унинг қисмларини ўзаро боғланиши, бутунлиги.

- Таълимий технологияни олдиндан мақсадини белгилаш ва фаолият натижаларини шакллантиришдан то педагогик ва таълим олиш жараён йўлини ташхис ва назорат тизимини тузишгача лойиҳалаштириш. Бу нафақат қўйилган мақсадга эришиш кафолатини таъминлайди, балки кўрсатилган жараёнларни куриш ва амалга оширишда ихтиёрийликдан келиб чиқадиган оқибатларининг олдини олади, ўқув-тарбия фаолияти давомида тўғрилаш эҳтимолини бартараф этади.

Ўқув машғулотининг таълим технологиясини ишлаб чиқиш ўқитувчи ҳаракатларининг қуйидаги изчиллигини ўз ичига олади: (1) таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва унинг натижаларини таълим технологиясининг модели кўринишида расмийлаштириш; (2) технологик харита кўринишида ўқув машғулотида талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятини босқичма босқич режалаштириш; (3) ўқув жараниёнининг ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш (технологик харитага илова қилинган ўқув-услубий ва визуал материалларни).

2.2. Ўқув машғулотнинг *таълим модели* жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) ўқув машғулотининг мақсадли белгиланишини аниқловчи дидактик мақсади: шакллантириш/ чуқурлаш/ тизимлаштириш/билим ва кўникмаларни назорат қилиш, таянч лаёқатликни ривожлантириш;
- 2) Ўқув фаолиятининг кутилажак натижалари – бу ўқитиш натижасида талаба эгаллаши ва бажариши лозим бўлган ҳаракатлар. Улар лўнда ва феъл шаклида шакллантирилади, тугалланган ҳаракатни билдиради (.....гапириб беради,санаб беради,тавсифлайди,ечимини топади ва ҳаказо).
- 3) Натижаларга мос педагогик вазифалар – талабанинг ўқув фаолиятини белгиланган натижасига қараб ҳаракатланишини ташкил этишда ўқитувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлари (тушунтириш, очиб бериш ...);
- 4) Қурилган таълим модели – бу белгиланган вақтда ва мавжуд шароитда белгиланган мақсадни амалга ошириш ва башорат қилинган ўқув натижаларига эришишни кафолатлайдиган таълимнинг энг мақбул шакллари, усуллари ва воситалари мажмуидир;
- 5) режалаштирилган ўқув натижаларини мониторингини амалга оширувчи қайтар алоқа йўл ва воситалари (кузатув, тезкор сўров, савол-жавоб, ўқув топшириғи натижаларини тақдимоти, тестлаш, ёзма ишларни текшириш ва бошқ.)

2.2. *Ўқув машғулотининг технологик харитаси* ўқув машғулотида таълим технологияси тузилишининг жараёнли (процессуал) баёни акс эттиради ва жадвал кўринишида расмийлаштирилади.

Технологик харитада (1) таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим олувчининг ҳам фаолияти, (2) ўқув машғулотининг босқичлари ва вақти, (3) таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари, (4) таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари аниқ кўрсатилади.

2.3. *Технологик харитага илова ўз ичига қуйидагиларни олади:*

- талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида қўлланиладиган саволлар рўйхати;
- гуруҳларда ишлаш учун йўриқнома, ўқув фаолияти натижасида талабалар таяниши мумкин бўлган қоидалар (ақлий ҳужум қоидаси, гуруҳларда ишлаш қоидаси, мунозара иштирокчиларига эслатма);
- ўқитувчи томонидан ўқув жараёнида фойдаланиладиган слайдлар, жадваллар, ва бошқа визуал материаллар;
- мунозара ўтказиш учун қўшимча саволлар;
- гуруҳларда ва яқка ҳолдаги фаолиятни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

Бу ерда тақдим этилаётган материаллар чегараланмайди. Фақат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли чизмаларда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Ўқув машғулотида тайёргарлик

- 1.1. Маъруза мавзуси ва ўқув машғулотида давомийлиги (ажратилган вақт) фаннинг тақвимий режа ва ишчи дастури билан мувофиқлиги таъминланади.
- 1.2. Маъруза режаси, дастурда назарда тутилган ўқув материални изчиллиги ва уни баён этиш мантиғини акс этиши лозим.
- 1.3. Маъруза мазмуни ва ҳажми.
- 1.3.1. Маъруза мазмуни қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим: янгилик, илмийлик, асослилик ва ахборот учун белгиланганлик; аниқ, ишончли мисол, факт, асоснома ва илмий далилларнинг мавжудлиги, фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.
- 1.3.2. Ҳажм. Маъруза ажратилган вақт ичида аудитория томонидан қанча ўзлаштирилса, шунча ахборотдан иборат бўлиши лозим. Дастурда кўзда тутилган материални маърузада тўлиқ баён этишни эмас, балки асосий/мураккаб саволларни тўлиқ ёритишни режалаштириш керак. Маъруза материалларини бир қисмини мустақил ўрганишга бериш керак.
- 1.4. Ўқув машғулотида тузилишини қуйидагилар аниқлаб беради: маърузачини дидактик мақсади ва у томонидан танланган маъруза шакли:

1-жадвал

Ўқув машғулотининг етакчи дидактик мақсади. Маъруза шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўқув машғулотининг етакчи дидактик мақсади	Маъруза шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари
Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талабалар ҳаракатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	<i>Кириш маърузаси</i> Таълим бериш тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги амалий фаолиятдаги аҳамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан таништириш, ҳисобот бериш вақти ва баҳолашни

	аниқлаштириш.
Ўқув ахборотини баён этиш ва тушунтириш.	<i>Ахборотли маъруза</i> Бу анъанавий маъруза шакли: маъруза режасига мувофиқ ўқув материални монологик тарзда изчилликда баён этиш.
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлили қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тассавурни/билимларни шакллантириш.	<i>Муаммоли маъруза</i> Янги билимлар савол/вазифа/вазиятлар муаммоли тарзда киритилади. Бу жараёнда талабаларни ўқитувчи билан ҳамкорликда ва суҳбатдаги билиши изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
ЎТВ/эшитиш-кўриш техникалари/ахборотли ва компьютер технологиялари орқали ўқув мавзуси бўйича тассавурни/ билимларни шакллантириш.	<i>Кўргазмаи маъруза</i> Бундай маърузани ўқиш, кўриб чиқиладиган кўргазмали материалларни очиб беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади.
Мунозара маданиятини намоиш этиш, муаммони ҳамкорликда ечиш орқали ўқув мавзуси бўйича тассавурни/билимларни шакллантириш.	<i>Бинар маъруза.</i> Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2-си .нинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларни ўзида намоён этади.
Ўқув ахборотини излаш, танлаш ва баён этиш, ўқув мавзуси бўйича тассавурни/ билимларни шакллантириш.	<i>Анжуман-маъруза</i> Олдиндан белгиланган муаммо ва маърузалар тизими билан илмий-амалий машғулот кўринишида ўтказилади (5-10 дақ. давомийлигида), бунда муаммони ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилади. Машғулот якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишларга якун ясайди, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифодалайди.
Илмий билимларни тизимлаштириш; батафсил ва	<i>Умумлаштирувчи маъруза.</i> Қоидаги биноан, маърузада баён этиладиган назарий

аниқлаштиришларсиз.	ҳолатларни негизини курснинг ёки катта бўлимларининг илмий-тушунтиришли ва концептуал асосини ташкил этади.
Билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш.	<i>Маслаҳатли-маъруза.</i> Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар” - ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
Батафсил ва аниқлаштиришларсиз, илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш.	<i>Якуний маъруза.</i> Қоида бўйича, курсни ўрганишни якунлайди, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Якуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини беради, келгусидаги касбий фаолиятда олган билимларни қандай қўллаш йўллари кўрсатади, фан бўйича якуний назорат хусусиятини тушунтиради, якуний назорат вариантларининг мураккаб саволларини тушунтиради.

1.5. Маърузада ўқитиш технологияси ўқув машғулотида таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қондаси билан мувофиқликда ишлаб чиқилган бўлиши керак.

1.6. Маъруза самарадорлиги, бошқа омиллар билан бир қаторда, кўргазмаларни тайёрлаш сифатини аниқлаб беради - слайдди тақдимот, қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- маъруза мавзусини ёритиб бериш учун слайдларнинг етралилиги;
- слайдлардаги барча ахборотлар тузилмавий тайёрланган;
- слайдлар қоидага мувофиқ расмийлаштирилган.

2. Ишлаб чиқилган ўқув машғулотининг таълим технологиясини амалга ошириш

2.1. Ўқув машғулотида кириш

2.1.1. Маъруза мавзуси ифодаланади; режалаштирилаётган ўқув натижалари айтилади ва уларни келгусидаги касбий фаолият учун аҳамияти тушунтириб берилади; хабар

қилинади: маъруза режаси, асосий тоифа ва тушунчалар, мустақил иш учун адабиётлар рўйхати.

2.1.2. Янги ўқув ахбороти талабаларда аввалдан бор бўлган маълумотлар билан мантиқий алоқаси кичик-маъруза, суҳбат, чалғитувчи ва муаммоли саволлар орқали таъминланади

2.2 . Ўқув машғулотининг асосий босқичи

2.2.1. Ўқув машғулотини тузилишига ва маъруза режасига мувофиқ маъруза ўқиш олиб борилади/ кенг қўламли суҳбат, бу жараёнда режанинг ҳар бир саволи бўйича талабалар ўртага чиқадилар/ маъруза ва рефератларни эшитиш ва муҳокама қилиш/мунозарага айланиши.

2.2.2. Маъруза мобайнида:

- асосий тушунчалар, таърифлар, саналар ва бошқ. ажратиб кўрсатилади (айтиб турилади);
- талабаларни маърузанинг асосий ҳолатларини ёзиб бориши ташкиллаштирилади;
- ҳар бир саволни ёритиб бўлгандан сўнг қисқа умумлаштирувчи хулосалар қилинади;
- маърузанинг бир саволидан кейинги саволига ўтишда мантиқий алоқа таъминланади;
- маърузада талабаларнинг билиш фаоллиги таъминланади: материални тушунишда сафсатали ва аниқлик киритувчилик саволлар берилади; вақтинчалик кичик гуруҳларда эркин фикр алмашишга рухсат берилади; жамоавий мунозара ташкиллаштирилади; аниқ, муаммоли вазиятлар муҳокама қилинади, амалиётдан мисоллар келтирилади; талабаларга у ёки бошқа вазият ёки таърифларни ифодалашни, таққослашни, янги факт ва вазиятларни, аввал ўрганилганлар билан таққослаш таклиф этилади;

2.2.3. Танланган ўқитиш модели билан мувофиқликда самарали қўлланилмоқда:

- Интерактив таълим методлари: аклий ҳужум, пинборд, муаммоли вазифа ва вазиятларни ечиш, эвристикли/ кенг қўламли суҳбат, мунозара ва бошқ.;
- Ўқув фаолиятини оммавий, жамоавий ва гуруҳли (жуфтлик) шаклларда ташкиллаштириш;
- . ёзув тахтаси, флипчарт, ЎТВ, аудиторияни жиҳозланишига боғлиқ равишда – компьютер ва график ташкилотчилар
- Ўқув-услубий ва кўргазмали материаллар: маърузанинг қисқа конспекти, слайдлар ва бошқ.;
- қайтар алоқанинг йўллари: кузатиш, блиц-сўров, савол-жавоб, тест ўтказиш, конспектларни текшириш ва бошқ.

2.3. Ўқув машғулотининг якуний босқичи

2.3.1. Мавзу бўйича хулоса ясалади. Талабаларнинг берган саволларига атрофлича жавоблар берилади.

2.3.2. Ўқув машғулотининг натижалари изоҳланади:

- белгиланган мақсадга эришиш даражаси аниқланади;
- ўқув фаолият натижаларининг баҳолари эълон қилинади (имкони борича алохида).

2.3.3. Аудиториядан ташқари мустақил иш учун топшириқ берилади (ишни бажаришга маълумот бериш, йўриқнома бериш), уни баҳолашнинг кўрсаткич ва мезонлари маълум қилинади. Зарур бўлганда қандай саволлар семинар машғулотида олиб чиқилиши ва бошқаларини мустақил ўрганилиши лозимлиги тушунтирилади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Ўқув машғулотига тайёргарлик

1.1. Семинар мавзуси ва ўқув машғулотининг давомийлиги (вақти) тақвимий режа ва фаннинг ишчи дастури билан мослиги таъминланади.

1.2. Семинар режаси тўлиқ, батафсил ва жуда кўп вазифа юклатилмаган бўлиши лозим.

1.3. Семинар мазмуни қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- муҳокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;
- муҳокама қилинувчи саволлар илм-фаннинг эришган замонавий ютуқлари билан ҳамоҳанг қаралади;
- назария ва амалиётнинг узвийлиги очиб берилади;
- муҳокама қилинувчи материал талабаларнинг тайёрлов йўналиши, уларнинг бўлғуси мутахассислиги билан алоқаси таъминланади;
- кўриб чиқиладиган материал адабиётларда келтирилган маълумотлар билан айнан тўлиқ мос тушмаслиги, балки талабаларга тушунарли тилда содда, раво ва схемалар тарзида бўлишлигига урғу берилади.

1.4. Ўқув машғулотининг тузилишини қуйидагилар аниқлаб беради: ўқитувчини мақсадли йўналиши ва у томонидан танланган семинар шакли:

2-жадвал

**Ўқув машғулотининг етакчи дидактик мақсади, семинар тури, шакли, унинг ўзига
хос хусусиятлари**

Семинар тури	Семинар шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари
Ўқув машғулотининг етакчи дидактик мақсади: талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш ва тузилмага келтириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат	
1. Методологик муносабатдаги фан мавзуларининг энг муҳим ва ўзига хосликларини яхши ўрганишга қаратилган семинар машғулотини.	Кенг кўламли суҳбат. Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этиладиган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларнинг тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларнинг кучли ва кучсиз томонларига талабалар диққатларини қарата олиш; уларнинг берган саволларини муҳокама қилишга
2. Тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил	

ўрганишга мўлжалланган семинар машғулотли. 3. Ўзлаштирилган, касбий тайёргарликни сифатини аниқловчи, алоҳида <i>ўзаро боғлиқ</i> бўлган мавзуларни батафсил ўрганишга мўлжалланган семинар.	жалб қилиш имконини беради. Кенг қўламли суҳбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган қўшимча равишда сўзга чиқишларини истисно қилмайди, балки тахмин қилади. Бироқ бундай маълумотлар муҳокама учун асос бўлмайди, балки муҳокама қилинган саволлар учун тўлдирувчи бўлади. Маъруза ва рефератлар муҳокамаси. Муҳокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзида қўшимча маърузачи ва оппонентлар (мухолифлар) белгиланади. Охирги чиқувчилар мазмунни қайтармасликлари учун маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, қўшимча маърузачилардан ташқари қолган барча талабалар семинарга жиддий тайёрланмайдилар. Сўзга чиқувчиларнинг ўзлари ҳам фақат бир саволга тайёргарлик кўриб келадилар. Талабаларнинг ҳар бирини қўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида қатнашишлари мумкинлигини ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Рефератли маърузаларни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама қилиб бўлинган ва катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Пресс-конференция. Қисқа сўзга чиқишдан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир нечта талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича маърузачига савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади. Қанчалик даражада жиддий тайёргарлик кўриладиган бўлса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнг у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол
--	---

4. <i>Илм-фаннинг алоҳида муаммолари бўйича</i> мавзусидаги изланувчилик туридаги семинар, уларни чуқурроқ ишлаб чиқиш учун кенг қўламли суҳбат.	бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича ёки семинар якунида ўз хулосасини тақдим этади. Ўзаро ўқиш. Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни ўрганиш асосланган семинар машғулотиди. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишга йўналтириш муҳим ҳисобланади: ҳар бир кичик-гуруҳга мавзунинг бир саволи берилади ва шу бўйича улар ишлайдилар (эксперт варақлар тарзида). Эксперт гуруҳларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қилади. Юмолоқ (ёзма /оғзаки) стол. Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни қўллаш, ўз фикрларини қисқа ва асосланган ҳолда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган семинар. Ҳар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин. 1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варақ, доира бўйича узатилади ва ҳар бир иштирокчи ўз мулоҳазаларини қўшади. 2. «Оғзаки юмолоқ стол» - ҳар бир талаба қўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган ғояни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради. Махсус семинар. Бакалавриятнинг 4 курсида ва магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқот .ини ифодалайди. Махсус семинар вақтида талабаларнинг гуруҳларда ишлашига ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усулларида фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди. Махсус семинарнинг якуний машғулотида ўқитувчи қоидага кўра, семинарни ва талабаларнинг илмий
---	--

	ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар олиб бориш истиқболларини ва уларда иштироқ этиш имкониятларини таъкидлаган ҳолда умумлаштиради.
Ўқув машғулотининг етакчи дидактик мақсади: <i>махсус (касбий) ва умумўқув кўникмаларни амалий ўрганиш ва амалий малакаларни шакллантириш</i>	
Эгаллаган назарий билимларни қўллаш билан боғлиқ амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва уни ечиш бўйича ўзига хос кўникмаларни ҳосил қилиш бўйича семинар.	Таълимий ўйин. Ўқитиш самарадорлигини унинг иштироқчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (ҳозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутишнинг тактик кўникмаларини шакллантиради; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиш; ўйин атрибутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштироқчилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса) ёки вазиятли кўрсатмаларини (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш. Амалий топшириқларни бажариш Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гуруҳлар таркибида бажарилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш; йўриқнома билан танишиш; топшириқни бажариш; натижалар тақдимотини умумлаштириш. Масалалар ечиш бўйича машқ. Индивидуал тарзда амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш; масалани ечиш; натижаларнинг танлама тақдимоти ташкил этиш; умумлаштириш. Муаммоли масалалар ва ваятларни ечиш. Муаммоли масалалар ва ваятларни ишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қилади. Лекин талабалар томонидан

	амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиққий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради. <i>Таълим беруувчи амалий вазиятларни (кейсларни) ечиш.</i> Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) - талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантларини қидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гуруҳи ёки алоҳида индивидлар ҳаётининг муайян шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади. Кейсни ечиш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олиш муҳим: муаммони якка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш; якка тартибда топилган ечимни биргаликда (кичик гуруҳларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантини расмийлаштириш; гуруҳ иши тақдмотини амалга ошириш; муаммони ечишнинг усул ва воситасининг энг мақбул вариантини жамоавий тарзда танлаш. Фикрлаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлган мустақил топилган далиллар касбий бойликларни топишга ва мустақкамлаштиришга, келгуси касб билан алоқани ўрнатишга кўмаклашади.
Ўқув машғулотининг етакчи дидактик мақсади: <i>талабалар билим ва кўникмалари назорати</i>	
Талабаларнинг назарий ва амалий тайёргарлик даражасини баҳолашга мўлжалланган семинар.	<i>Коллоквиум.</i> Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (суҳбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниқлаш, уни чуқурлаштириш мақсадида олиб боради. Буни кўпинча, семинарда фаоллигини кўрсатмаган талабалар учун қўшимча соатларда ташкиллаштирилади. <i>Ёзма (назорат)иш.</i>

	Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар, тестларни ечадилар ва назорат топшириқларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри тузиш муҳим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материали ўзлаштириш даражасига мос келишини таъминлаши керак. Махсус топшириқларни бажариш бўйича машқ талабадан аввалги машғулотларда танишган муайян масалани ечиш алгоритмларидан фойдаланишни ёки белгиланган топшириқни мустақил ечиш йўллари йўлга қўйлади.
--	---

1.5. Семинарда ўқитиш технологияси ўқув машғулотларида таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қондаси билан мувофиқликда ишлаб чиқилган бўлиши керак.

1.6. Семинар самарадорлиги бошқа омиллар билан бир қаторда, ташкилий-услубий таъминотни: талабаларни машғулотга тайёргарлигининг кириш назорати тестлари (саволлар), ҳамкорликда ўқиш қондалари/гурӯҳли ишни ташкиллаштириш/мунозара иштирокчилари/рефератларни тайёрлаш/маъруза, ўқув топшириқларни тайёрлаш/лоийҳавий топшириқлар; кейсларни ечиш учун методик кўрсатмалар, махсус топшириқларни бажаришга йўриқномалар; мунозарани кучайтириш учун қўшимча саволлар ва бошқаларни тайёрлашни аниқлаб беради.

2. Ишлаб чиқилган ўқув машғулоти таълим технологиясини амалга ошириш

2.1. Ўқув машғулотида кириш

2.1.1. Семинар мавзуси ифодаланади; режалаштирилаётган ўқув натижалари айтилади ва уларни келгусидаги касбий фаолият учун аҳамияти тушунтириб берилади; семинар режаси ва ўқув машғулоти тузилиши маълум қилинади; семинардаги ўқув фаолиятининг баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари эълон қилинади.

2.1.2. Семинар ва маъруза машғулотининг мантиқий алоқаси кичик-маъруза, суҳбат, чалғитувчи ва муаммоли саволлар орқали таъминланади.

2.1.3. Текшириш ўтказилади/диагностика ва талабаларнинг семинарга тайёргарлиги баҳолаш амалга оширилади.

2.2 . Ўқув машғулотининг асосий босқичи

2.2.1. Танланган семинар машғулоти шакли билан мувофиқликда ўқув жараёнини ташкиллаштириш амалга оширилади: кенг кўламли суҳбат олиб борилади, бу жараёнда режанинг ҳар бир саволи бўйича талабалар фикр билдирадилар/маъруза ва рефератлар

эшитилади ва муҳокма қилинади/мунозарага айланади/муаммоли топшириқлар, кейслар хал этилади/таълимий ўйин ўтказилади/ коллоквиум/ пресс-конференция/ўқув лойиҳалар тақдимоти/кичик-гуруҳлар таркибида ўзаро ўқиш ташкиллаштирилади/ёзма (назорат) ишлари ёки махсус ўқув топшириқлари бажарилади.

2.2.2. Семинарда талабаларнинг билиш фаоллиги таъминланади:

- Семинар машғулоти муаммосини ечиш жараёнида ўқитувчи ва талаба ўртасида суҳбат ташкиллаштирилади.
- Талабаларнинг ўз фикрларини билдиришлари, сўзга чиқишларини қизиқтириш амалга оширилади.
- Талабаларнинг барча жавоблари ва фикрларининг амалий таҳлили ўтказилади.
- Семинар машғулотида ва семинар вақтида мустақил иш натижаларини акс эттирувчи, талабалар томонидан конспект, жадвал, чизмалар ва бошқа материалларнинг тайёрланганлигининг назорати амалга оширилади; талабаларнинг ишчи дафтарларига қайд этиб боришлари ташкиллаштирилади ва назорат қилинади.

2.2.3. Танланган ўқитиш моделининг мувофиқликда самарали қўлланилиши:

- интерактив таълим методлари: ақлий ҳужум, пинборд, муаммоли вазифа ва вазиятларни, кейсларни ечиш, таълимий ўйин, ўқув лойиҳалар методи, айлана стол атрофида эвристикли/ кенг қўламли суҳбат, мунозара ва бошқ.
- жамоавий ва гуруҳли (жуфтлик) таълим шакллари.
- ўқитиш воситалари: . ёзув тахтаси, флипчарт, ЎТВ, компьютер- аудиторияни жиҳозланишига боғлиқ равишда; график органайзерлар(тагига чизиб қўйиш).
- ўқув-услубий ва кўргазмали материаллар: ўқув материаллар, эксперт варақлари, йўриқномалар, ўқув топшириқлар, слайдлар ва ҳ.к.
- тахмин қилинаётган ўқув натижаларига эришишни, тезкорликда назорат қилишни таъминловчи қайтар алоқанинг йўллари: кузатиш, блиц-сўров, савол-жавоб, тест ўтказиш, конспектларни текшириш ва бошқ.

2.3. Ўқув машғулотининг якуний босқичи

2.3.1. Олинган натижалар умумлаштирилади. Гуруҳларнинг иш натижалари ўзаро баҳоланади. Семинарда жамоавий ишлаш натижалари баҳоланади.

2.3.2. Талабаларни семинарга тайёргарлиги, уларни фаоллигига баҳо берилади.

2.3.3. Ўқув машғулотининг натижалари изоҳлаб берилади:

- мақсадга эришиш даражаси аниқланди;
- алоҳида ўқув фаолиятининг баҳолари эълон қилинди.

**АМАЛИЙ/ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ**

1. Ўқув машғулотига тайёргарлик

1.1. Машғулот мавзуси ва ўқув машғулотининг давомийлиги (вақти) тақвимий режа ва фаннинг ишчи дастури билан аниқланади.

1.2. Машғулот режаси тўлиқ, батафсил, жуда кўп вазифа юклатилмаган бўлиши лозим.

1.3. Ўқув машғулотни тузилиши унинг етакчи дидактик мақсади ва ўқитувчи томонидан танланган амалий/лаборатория иши шаклини аниқлайди.

1.3.1. Амалий машғулотнинг етакчи дидактик мақсадлари:

- амалий кўникмаларни (келгуси касбий фаолиятда зарур бўладиган, аниқ ҳаракатларни бажариш), келгуси ўқув фаолиятида зарур бўладиган, ўқув кўникмаларни (масалаларни ечиш) шакллантириш /такомиллаштириш;
- аниқ мазулар бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш/тизимлаштириш/умумлаштириш/мустаҳкамлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олиш қобилиятларини ривожлантириш;
- билим ва кўникмалар назорати;
- таянч лаёқатларни шакллантириш ва ривожлантириш.

1.3.2. Амалий иш шакллари: ҳар хил масалаларни, шу жумладан касбий (амалий вазиятларни /вазиятли масалаларни таҳлил қилиш ва ечиш, таълимий ўйинларда касбий вазифаларни бажариш ва ҳ.қ.) ечиш; ҳисоб-китобларни амалга ошириш; меъёрий ҳужжатлар, йўриқнома материаллар билан ишлаш; махсус ҳужжатларни тузиш ва бошқ..

1.3.3. Лаборатория машғулотининг етакчи дидактик мақсадлари:

- тажрибавий тасдиқлаш ва назарий ҳолатлар (қонунлар, боғлиқликлар)ни текшириш;
- талабаларда касбий амалий тайёргарликнинг бир қисmini ташкил этувчи, турли асбоблар, ўрнатмалар, лаборатория жиҳозларидан фойдаланишнинг амалий кўникма ва малакаларини, шунингдек изланувчилик кўникмаларини (кузатиш, таққослаш, таҳлили қилиш, боғлиқларни ўрнатиш, хулосалар чиқариш ва умумлаштириш, мустақил равишда изланиш олиб бориш, натижаларни расмийлаштириш) шакллантириш.
- назарий билимларни амалиётда қўллай олиш қобилиятларини ривожлантириш;
- таъянч лаёқатларни шакллантириш ва ривожлантириш.

1.3.4. Лаборатория машғулотининг шакллари: оммавий тажриба; лаборатория иши; амалиёт; турли жиҳозлар билан машғулот.

1.4. Ўқув машғулотни мазмуни ва ишлаш учун топшириқлар ҳажми.

- 1.4.1. Лаборатория машғулоти мазмуни ушбу фанга йўналтирилган касбий/ ўқув кўникма ва малакаларни шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.
- 1.4.2. Амалий иш учун топшириқлар ҳажми кўпчилик талабалар сифатли бажаришлари мумкин бўлган ажратилган вақтнинг ҳисоби билан режалаштирилади.
- 1.5. Машғулотнинг ўқитиш технологияси ўқув машғулотида таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қондаси билан мувофиқликда ишлаб чиқилган бўлиши керак.
- 1.6. Амалий машғулотнинг самарадорлиги, бошқа омиллар билан бир қаторда, ташкилий-услубий таъминотни: ўқув-услубий материаллар: талабаларни машғулотга тайёргарлигининг кириш назорати тестлари (саволлари); ўқув/талабаларни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган дифференциаллашган; бланкалар, йўриқномавий ва методик материаллар; талабаларнинг ҳисоб-китобли хусусиятидаги топшириқларни бажаришида назорат қилиш имконини берувчи материаллар ва бошқаларни тайёрлашни аниқлайди.

2. Ишлаб чиқилган ўқув машғулоти таълим технологиясини амалга ошириш

2.1. Ўқув машғулотида кириш

- 2.1.1. Машғулоти мазмуни ифодаланади; режалаштириладиган ўқув натижалари айтилади ва уларни келгусидаги касбий фаолият учун аҳамияти тушунтириб берилади; семинар режаси ва ўқув машғулоти тузилиши маълум қилинади; семинардаги ўқув фаолиятининг баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари эълон қилинади.
- 2.1.2. Амалий/лаборатория ва маъруза машғулотининг мантиқий алоқаси кичик-маъруза, суҳбат, жалб қилувчи ва муаммоли саволлар орқали таъминланади.
- 2.1.3. Талабаларнинг машғулотга тайёргарлигини текшириш/дагностика ва баҳолаш ўтказилади.

2.2. Ўқув машғулотининг асосий босқичи

- 2.2.1. Амалий машғулотнинг режаси ва тузилиши мувофиқликда қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ишларни бажаришга тайёргарлик: маълумотли ва бошқа адабиётлар, бланклар, йўриқномалар, жиҳозлар ва бошқ. тайёрланади.

Янги билимлар ва ҳаракатлар усулларини қўллаш босқичи:

- Топшириқ берилади ва йўриқнома ўтказилади. Амалий ишни бажаришда муҳим жойларга талабалар эътибори кучайтирилади.

- Талабаларни амалий иш мобайнида эслаш фаоляти, гуруҳ билан топшириқни муҳокама қилиши ташкиллаштирилади.
- Топшириқни бажараши бўйича талабаларни жамоавий/гуруҳли/индивидуал фаоляти ташкиллаштирилади.
- Амалий иш натижаларини расмийлаштириш бўйича талабалар фаоляти ташкиллаштирилади.
- Гуруҳли иш натижаларини тақдимои ўтказилади/жамоавий ва индивидуал иш натижаларининг танланган тақдимои.

2.2.2. Талабаларни амалий машғулотидаги мустақиллик даражаси:

- иш мақсади, тушунтириш (назария, асосий тавсифлар), жиҳозлар, асбоб ускуналар, материаллар ва уларнинг таърифи; ишни бажариш тартиби; жадаваллар; хулосалар (таърифлашсиз); назорат саволлари; ўқув ва махсус адабиётлар ва батафсил йўриқномалардан фойдаланадилар.
- Йўриқномавий, маълумотли ва бошқа адабиётлар бўйича ишни бажаришда муҳим бўлган йўлларни, керакли асбоб ускуналарни мустақил танлайдилар;
- Бор бўлган назарий билимлар асосида улар учун янги бўлган муаммони мустақил ечадилар.

2.2.3. Амалий машғулотида талабалар ишини бошқариш:

- амалий машғулотида адабиёт билан мустақил ишлаганликни кўрсатувчи талабалар томонидан конспект, жадвал, чизма ва бошқа материаллар тайёрланганлигининг назорати амалга оширилади.
- ўқув топшириқларини ва натижалар тақдимои жараёнида талабалар фаолятини ишга тортиш, ташкиллаштириш ва фаоллаштириш таъминланади.
- маслаҳат ва жорий йўриқнома амалга оширилади.
- жуда тез суръатда ишлайдиган талабалар қўшимча вазифа ва топшириқлар билан таъминланади.

2.2.4. Танлаб олинган ўқитиш моделига мувофиқ самарали фойдаланиш:

- Ўқитиш усуллари: амалий иш усули, лаборатория усули, илмий тадқиқот усуллари, йўриқнома бериш, намоиш, китоб билан ишлаш, машқ, кейсларни ечиш, муаммоли масалалар ва вазиятлар усули, ўзаро ўқиш, таълимий ўйин, ўқув лойиҳалар методи ва бошқалар.
- Ўқитиш шакллари: оммавий - ҳамма талабалар бир вақтнинг ўзида бир ишни бажарадилар; гуруҳли - бир иш 2-5 кишилик кичик гуруҳда бажарилади; индивидуал - ҳар бир талаба топшириқни индивидуал бажаради.

- Ўқитиш воситалари: ёзув тахтаси, флипчарт, ЎТВ, компьютер (аудиторияни жиҳозланишига боғлиқлик: тагига чизиб қўйиш, зарур бўлганда тўлдириш); график органайзерлар.
- Ўқув-услубий материаллар: услубий кўрсатмалар билан берилувчи топшириқлар, вазифалар ва машқлар тўплами, йўриқномалар, маълумотномалар, ўқув топшириқлар ва бошқ..
- Тахмин қилинаётган ўқув натижаларига эришишни тезкорликда назорат қилишни таъминловчи, қайтар алоқанинг йўллари: кузатиш, сўров, тест ўтказиш, амалий /лаборатория иш натижаларини текшириш ва бошқалар.

2.3. Ўқув машғулотининг якуний босқичи

2.3.1. Олинган натижалар умумлаштирилади. Якун ясалади.

2.3.2. Машғулотда жамоавий иш натижаларига баҳо берилади. Талабаларнинг машғулотга тайёргарлиги ва уларнинг фаоллигига баҳо берилади.

2.3.3. Ўқув машғулотининг натижалари изоҳлаб берилади:

- мақсадга эришиш даражаси аниқланади;
- алоҳида ўқув фаолиятининг баҳолари эълон қилинади.

ХУЛОСА

Кўп йиллар давомида тарих курсларини ўқитиш тажрибаси шуни курсатадики, тарихдан утказиладиган таълим-тарбия ишларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириб бориш, шунингдек кутилган ижобий натижаларга эришмоқнинг асосий шакли-дарсдир. Гап шундаки, ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, уларнинг билиш қўбилиятлари ва тафаккурларини мутассил ривожлантириб бориш юзасидан турли илмий-услубий ишлар асосан дарс жараёнида амалга ошириб борилади.

Хар бир дарс тарихдан урганилаётган ахлоҳида олинган мавзунинг, бир вақтда бутун бир курс юзасидан утказиладиган дарслар тизимининг мантиқан шаклланиб борадиган ягона занжирини ташкил этиб, бошқа дарслар мазмуни билан узвий алоқадорликда булгани ҳрлда, таълим тизимининг бир бутунлигини амалга ошириб боришини таъминлайди.

Бошқа фанлардан фарқ, этгани ҳрлда тарих дарсига булган талаблар жамиятда содир буладиган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий узгаришлар талаби даражасида, шунингдек, илм-фан, маданият ва айниқса, маънавиятда содир буладиган узгаришлар талаби асосида доимо ривожланиб боради.

Тарих дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш дарсининг самарадорлигини оширади. Таълимнинг техника воситалари ўқитиш ва ўрганиш сифатини кутаришга ўқувчиларнинг ўқув материални қўзғатиб ўрганишига ва пухта ўзлаштиришига хизмат қилади.

Ҳозирги давр тарих таълимида мавзуни, бобни ўрганишга сарфланадиган соатлар миқдори, дарсни қай тарифа утказиш ва қайси адабиётлардан фойдаланиш кераклигидан ташқари, дарсда урганиладиган асосий тушунча ва ғояларнинг руйхати, предметлар аро ва курслар аро боғланадиган алоқалар, шаклланадиган куникма ва малакалар, ҳар бир мавзуга таалукли таълим ва техника воситалари руйхати, шунингдек, тарқатиладиган дидактик материаллар руйхати курсатилади.

Ҳозирги даврда дарс самарадорлигини ошириш ҳдр бир ўқитувчини таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни комплекс ривожланишларини таъминлайдиган, ўқитувчига ажратилган вақтдан мақсадга мувофиқ, фойдаланиб, тарих дарсини бевосита ўз тажрибаси асосида уйдалаи олиши замонавий дарс талаби асосида дарсларда техника воситаларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Тарихда дарс бериш жараёнида ўқитувчи томонидан тушунтирилган воқеа ва ҳрдисалар, душманга қарши қўқрак қерган жасур қишилар, бир ўзи унлаб душманлар билан жанг қила олган қахрамонлар ҳар қандай қийин шароитда ўзини йўқотмайдиган, жасур, матонатли қишилар ўқувчи қўз унгида

гавдаланади. Шулар ҳақида ўқитувчи техника воситалари орқали ўқувчининг маънавий бойлигини орттиради.

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизими бугунидаги таълим муассасалари, шу жумладан, умумий ўрта таълим лари ўқитувчилар олдида Янги муаммолар, яъни уқитилаётган фаннинг узлаштириш сифатини ошириш вазифаси турибди. Бу борада тарих фанини ўқитишда ҳам турлича услублар кулланилмоқда. Шулардан бири замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишдир.

Мултимедиа тасвири маълумотлар билан ишлашга қўл келтирилган бўлган восита ҳисобланади. «Мултимедиа» сузи лотинча «медиа» сузидан олинган бўлиб, «маълумот ташувчи восита» деган маънони англатади. Мултимедиа компютерлар суз, Мусика, тасвир ва бошқа маълумотларни, видеоматериалларни қабул қиладиган улар устида ишлайди. Айниқса электрон қўлланманинг мултимедиа муҳитида «Macgoteёla P1азЬ», «OIP Аптайоп», «Мхсгозой Pгоп1 Раёе», «Аёёё PпоШзёор 7.0», «3В Мах», «Мюгозой Ро\уег Рот!» каби Интернет технологиялардан фойдаланиб яратилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки уларда ҳаракатли, рангли, овозли тасвирлар яратиш қулай ва матнли масалаларнинг ечилишини намойиш қила олиши мумкин. Жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг даврлари ижтимоий тузумлар уларнинг атилиши ва ҳос ҳусусиятлар ҳақида тасаввурга эга бўлишда, намойиш қилишда компютер, видео, видеоплеер, рақамли видеокамера, видеопроектор, овоз чиқариш қурilmаси, видеоэкран ва микрофондан фойдаланилади.

Маълумки, умумий ва ўрта таълим ларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда қўлланмалар муҳимдир. Айниқса тарих фанида хариталар, жанг схемаларини курсатиш қулайдир. Бундан ташқари мавзулар бўйича матнларни ҳам бериш мумкин. Матнда келтирилган тушунчалар, тарихий атамалар образли тарзда намойиш бўлади.

Дарс биринчи галда ўқув машғулоти дир. Замонавий тарих дарсига булган талаб тарих таълими давомида ўқувчи ёшларни тарихий билим ва қўлланмалар билан қўллангани, уларни ўқитишда ва бугунги қўлланманида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни тугри баҳрлаш ва ҳулосалар чиқариш, «ҳар бир инсоннинг айшсца эндиgina X'ётга кадам қуйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қуйилган максадларга эришиш узларига боглик эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собиткадам ғайрат-шижоатига, тула-туқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боглик эканлигини англаб етишлари керак».

Илмий техника авж олиб бораётган ҳозирги вақтда ўқувчи ёшларнинг акселерацияси, яъни болалар ривожланишининг тез суратлар билан бориши, бу жараён уларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан ривожланишларида явдол намойиш

булаётганлигини алоҳида таъкидламоқдалар. Дарҳақиқат ҳрзирги даврда ўқувчилар ёшлигиданок, радио, телевидение, газета, журнал ва турли китоблар, ахборот каналлари орқали кўп замонавий илмий-техникавий янгиликлардан бохабар бўлмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси сузсиз ўқувчи ёшларни ҳар томонлама ривожланишларига, дунёкарашлари куламини кенгайтишига олиб келмоқда. Ўқувчи уз уйида телевидение орқали, ёки кино-театрда тарихий мавзудаги асарни томоша кдлиб, унинг мазмуни билан чуқур танишишга муваффақ, бўлгани ҳолда, ўқитувчи дарс жараёнида факатгина дарслик материалы билангина чегараланаётган бўлса, у ҳрлда ўқувчида мазкур дарс учун ҳеч қандай қизиқиш пайдо бўлмайди. Ана шундай инкирозли шароитдан чиқиб кетиш учун ўқитувчи тарихий таълимида эмоционал маҳоратини ошириб бориб, ўқувчиларни мавзунинг мазмунига бўлган қизиқишларини ошириб бориб, унинг ҳар томонлама мустаҳкамланишига эришмоғи керак.

Ўқитувчи уз дарсний замон талаблари асосида кўргазмалиликнинг техника воситаларидан фойдаланишда махсус жихозланган тарих хоналарини ташкил этиб, ўқитишнинг турли методик воситаларидан, жумладан экран кулланмалари, магнитофон ёзувлари, теледарслардан мақсадга мувофиқ, фойдаланмоғи керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, Низомий, 2003.
2. Авлиёкулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари.-Т., 2001.
3. Бершадский М.Е. В каких значениях используется понятие “технология” в педагогической литературе?//Школьные технологии.-2002.- №1.
4. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.
5. Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий //Школьные технологии - 2004. - № 4.
6. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие //Под общ. ред. акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
7. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения. //Школьные технологии -2004.- № 4.
8. Ёўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.
9. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта.- М.: Знание, 1989 / Новое в жизни, науке, технике. Сер. “Педагогика и психология”. № 6.
10. Кушнир А.М. Методический плюрализм. //Школьные технологии.- 2004. № 4.